

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“Банк иши” кафедраси аспиранти

МИРХАМИДОВА НАВРУЗА КАМОЛОВНА

**08.00.07-“Молия, пул муомаласи ва кредит” ихтисослиги бўйича
“Иқтисодиёт назарияси” фанидан номзодлик минимум
имтиҳонини топшириш учун**

РЕФЕРАТ

ТЕКШИРДИ: доцент Хакимов Х.

ТОШКЕНТ 2010

**Мавзу: Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида халқаро кредит
иқтисодий категория сифатида.**

Режа:

Кириш.

- 1. Халқаро кредит, унинг асосий тамойиллари ва функциялари.**
- 2. Молиявий глобаллашув шароитида халқаро кредит муносабатлари.**
- 3. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда халқаро кредитнинг иккиёқлама роли ва халқаро кредит муносабатлари механизми.**

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар.

Кириш.

Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмуни жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат — миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам ушбу жараённинг бевосита иштирокчиси ҳисобланиб, мамлакат учун бу жараён орқали жаҳон иқтисодиётида унинг ўрнини белгилаб берувчи ва миллий рақобатбардошликни максимал даражада амалга оширувчи иқтисодиёт секторларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодий ўсишнинг замонавий моделига ўтиш макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, рақобатбардош молиявий институтларни ривожлантириш ва узоқ муддатли молиявий ресурсларга эга бўлиш шартларини юмшатишни талаб қилади. Айни пайтда бу жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатади.

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ва глобаллашувнинг ижобий томонлари билан бир қаторда маълум зиддиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг бир текисда бормаслиги, дунё мамлакатлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жиҳатидан тафовутнинг, экологик таҳдидларнинг кучайиб бориши, турли мамлакатларда аҳоли сони ўзгаришининг кескин фарқланиши каби ҳолатлар жаҳон хўжалигининг яхлит тизим сифатида барқарор ривожланишига тўсқинлик қилади. Шунингдек, мазкур жараёнларининг яна бир хусусиятли жиҳати — жаҳоннинг бир мамлакатада рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши ҳисобланади. Ҳар

бир давлат иқтисодиёти учун, айниқса ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти учун халқаро кредитлар ва молиялаштиришнинг кириб келиши мамлакат ривожланишининг асоси бўлиб қолмоқда.

Жаҳон хўжалигини XX аср иккинчи ярмидаги фаолиятининг ўзига хос томонларидан бири халқаро иқтисодий муносабатларнинг интенсив равишда ривожланишидир. Давлатлар, давлатлар гуруҳлари, иқтисодий гуруҳлар, алоҳида фирма ва ташкилотлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар кенгаймоқда ва чуқурлашмоқда. Бу жараёнлар халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашишида, хўжалик ҳаётининг байналминаллашувида, уларнинг бир-бирига боғлиқлигида ва яқинлашувида, минтақавий халқаро тизимларнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишида намоён бўлмоқда. Халқаро иқтисодий муносабатларда халқаро капитал миграциясининг бир кўриниши бўлмиш халқаро кредит ўзига хос ўринни эгаллайди. Капитал ҳаракатининг муҳим шакли ссуда капиталини халқаро кредит кўринишида олиб келиниши ва олиб чиқилиши ҳисобланади. Корхоналар, аҳоли ва давлатда бўш пул жамғармаларининг пайдо бўлиши, уларни банклар, суғурта ва инвестиция компанияларида тўпланиши, шунингдек, трансмиллий компаниялар, банклар, халқаро молия-кредит муассасаларининг ссуда капиталини жаҳон бозорини шаклланишига олиб келади. Бу бозорда турли-туман давлатлардаги қарз берувчилар ва қарз олувчилар кредит бериш шартлари ва кредит миқдорини белгиловчи шартномалар тузадилар. Кредит муносабатларининг халқаро миқёсда амалга оширилиши (мамлакатлар ўртасида) халқаро кредитнинг юзага келишига олиб келади.

Ушбу жиҳатлар халқаро кредитнинг назарий жиҳатларини ўрганиш ва уларга янги таклифларни киритиш зарурлигини асослаб беради. Шунинг учун халқаро кредит назарияси бўйича ўз тадқиқотини олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

1. Халқаро кредит, унинг асосий тамойиллари ва функциялари.

Капитализмнинг иқтисодий тизим сифатида шаклланиши даврида пайдо бўлган халқаро кредит муносабатлари бошланғич капитал жамғаришнинг битта усули сифатида қўлланилган. Халқаро кредит муносабатларининг ривожланишини асоси бўлиб ишлаб чиқаришнинг миллий чегаралардан ташқарига чиқиши, иқтисодиётнинг интернационаллашуви ва глобаллашуви ҳисобланади.

Халқаро кредитнинг пайдо бўлиши давлатлар ўртасида иқтисодий муносабатлар ривожланишини барқарорлаштириш зарурати билан шартланган эди. Замонавий шароитда халқаро кредит муносабатлари жаҳон иқтисодиётининг барча соҳаларини қамраб олади, жаҳон молия бозорининг ўсиш суръатлари эса, жумладан, ссуда капитали бозори ҳам, ишлаб чиқариш ва ташқи савдо ўсиш даражаларидан бир неча марта кўпроқдир.

Халқаро кредит – кредит муносабатларининг битта шакли бўлиб, турли давлатлардаги кредитор ва қарздор ўртасидаги жаҳон молия бозорида ссудаларни тақдим этиш ва қабул қилиш юзасидан амалга ошириладиган муносабатлар йиғиндисидир.

Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон банки, Базель халқаро ҳисоб-китоблар банки ва Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг ташқи қарз бирлашган статистикасига тегишли методологик қўлланмаларига кўра ташқи қарз бу резидентларнинг норезидентларга асосий қарзни фоизи билан ёки фойзисиз, ёки бўлмаса фойзларни асосий қарз билан бирга ёки асосий қарзсиз тўланадиган қайтарилаётган ёки қайтарилиши кутилаётган контракт мажбуриятлари йиғиндисидир.¹ Тўлов балансининг методологиясига маълум даражада мос келган ушбу ёндашувга мос равишда қарзни ички ва ташқи

¹ External debt. Definition, Statistical Coverage and Methodology.:OCDE, 1988.

қарзларга ажратиш мумкин.

Ташқи қарзга бошқа нуқтаи назардан ҳам ёндашиш мумкин. Бу биринчи навбатда қисман конвертирланадиган валютали давлатларга хос бўлган ҳолатдир. Бундай давлатларда ташқи қарзнинг асосий хусусияти чет эл валютасида ифодаланган мажбуриятлар йиғиндиси ҳисобланади, ички қарз эса бу миллий валютадаги мажбуриятлар йиғиндисидир. Ушбу вазиятда миллий валютадаги мажбуриятларнинг бир қисми норезидентларга тегишли бўлиши мумкин, лекин улар ички қарз бўлиб ҳисобланади.

Баъзи тадқиқотчилар ташқи ва ички қарзни валютавий хусусияти бўйича ажратишни нотўғри деб ҳисоблаб, резидентлик хусусиятига кўпроқ аҳамият берадилар. Ю.Я.Вавилов 2000 йилда чиққан ўз монографиясида қарзни классификациялашнинг бирламчи хусусияти деб қарзларни олиш манбалари, яъни ички ёки ташқи кредиторларни алоҳида таъкидлайди.² Бунда у давлат ташқи қарзига молиявий категория сифатида қарайди. Амалда бу турли даражалардаги бюджетнинг даромади сифатида ишлатиладиган қарзлардир.

А.Корчагин ва Д.Вторигинлар ҳам бундай ёндашувни қўллаб-қувватлайдилар. Уларнинг фикрига кўра, ташқи қарз – бу умумий қарздорликнинг бир қисми бўлиб, у бўйича талаб қилиш ҳуқуқи айни вақтда норезидентларга тегишлидир.

Халқаро кредит назарияси нуқтаи назаридан ушбу тушунчанинг энг тўлиқ таърифи қуйидагича намоён бўлади: халқаро кредит бу халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида ссуда капиталининг ҳаракат шакли бўлиб, қайтаришлилик, муддатлилик, таъминланганлик ва тўловлилик шартлари асосида валюта ва товар ресурсларини тақдим этиш билан боғлиқ операциядир.³

Халқаро кредитнинг манбаи бўлиб пул жамғармалари, давлатнинг ва шахсий секторнинг (банклар томонидан мобилизация қилинади) вақтинча бўш

² Вавилов Ю.Я. Государственный долг. – М.: Перспектива, 2000.

³ Финансово-энциклопедический словарь. Колл. авторов. Под общ. ред. А.Г.Грязновой (автор статьи – Л.Н.Красавина).- М.: Финансы и статистика, 2004.

турган жамғармалари, корхоналар капиталининг пул шаклидаги қисми хизмат қилади.

Халқаро кредит муносабатларининг субъектлари ссуда капиталининг тақдим этувчи шахс, яъни кредитор ва бу капитални қабул қилувчи шахс, яъни қарздор ҳисобланади. Кредитор ва қарздор сифатида хусусий корхоналар (банклар ва фирмалар) ҳам, давлат муассасалари, ҳукуматлар, халқаро ва регионал валюта-кредит ва молия ташкилотлари ҳам иштирок этиши мумкин. Халқаро кредитнинг ички кредитдан асосий фарқли жиҳати кредитлаш манбалари ва объектларининг давлат чегаралари билан бўлинишидир.

Халқаро кредит “кредит” категориясининг битта шакли бўлиб ва билвосита товарлар, хизматлар, капиталлар ҳаракатида иштирок этиб, бошқа иқтисодий категориялар (пул ва нарх, фойда, валюта курси ва тўлов баланси каби) билан ва умуман бутун бозор иқтисодий тизими билан ўзаро боғлиқ. Халқаро кредит баҳо қонунининг амал қилиш механизмининг бир элементи ҳисобланиб, бозор муносабатлари иштирокчиларининг фойда олиши учун шароит яратиб асосий иқтисодий қонун талабларининг амалга ошишида муҳим роль ўйнайди. Халқаро кредитдан фойдаланиш натижасида товарларнинг индивидуал баҳоси уларнинг интернационал баҳосига қараганда пасаяди (масалан, кредитга сотиб олинган импорт асбоб-ускунанинг ишлаб чиқариш жараёнига киритилиши). Халқаро кредит қарз маблағлари самарали ишлатилган ҳолда иқтисодиётнинг ривожланишига кўмаклашади.

Халқаро кредит ўзининг капитал миграциясининг давлатлараро характеридан ташқари, тақдим этилаётган маблағларнинг анъанавий манбалардан, лекин бир қатор давлатлардан жалб қилиниши ҳисобига ўзининг йирикроқ ҳажмлари билан ички кредитдан фарқ қилади. Ишлаб чиқариш жараёнида халқаро кредитга бўлган объектив талаб қуйидагилар натижасида келиб чиқади:

1. Хўжаликдаги маблағлар айланмаси.

2. Ишлаб чиқариш ва реализация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Ташқи иқтисодий битимларнинг ҳажмлари ва муддатларидаги фарқ.
4. Йирик капитал қўйилмалар инвестицион лойиҳаларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ташқи савдони барқарорлаштириш учун амалга ошириш зарурати.

Халқаро кредит товарлар, хизматлар, капиталларнинг ташқи айланмадаги ҳаракатининг воситаси ҳисобланади. Шу билан бир вақтда ссуда капиталининг халқаро иқтисодий муносабатлардаги ҳаракати қарз маблағларини жалб қилиш ҳисобига ишлаб чиқарилган товарларга қараганда нисбатан мустақил характерга эга. Бунинг сабаби кредитнинг қайтарилиши қарз маблағлари ҳисобига ишга туширилган корхонани эксплуатациясидан олинган фойда ҳисобига амалга оширилиши, ҳамда кредитнинг нотижорат мақсадларда ишлатилиши билан боғлиқ.

Халқаро кредитнинг ишлаб чиқариш билан алоқаси халқаро кредит муносабатлари тамойилларида намоён бўлади. Юқорида келтирилган таърифда қайтаришлик, муддатлилик, таъминланганлик ва тўловлилик шартлари келтириб ўтилган эди. Айнан шу тамойиллар халқаро кредитнинг асосий тамойиллари ҳисобланади.

Қайтаришлик тамойили қарздор томонидан олинган валюта ва товар ресурсларини қайтариб бериш мажбуриятини олишини билдиради (бу шарт кредит шартномасида белгиланади). Ушбу тамойил бирламчи аҳамиятга эга, чунки акс ҳолда кредитор томонидан қарз олувчига берилган капитал қайтарилмайди ва молиялаштириш шаклига ўтиб қолади.

Тўловлилик тамойили баҳо қонунини амал қилиши ва кредит шартлари дифференциациясини акс эттиради. Ушбу тамойил қарз олган томоннинг кредиторга олинган суммани қайтаришини ва яна қўшимча, капиталдан фойдаланганлик учун тўлов, яъни белгиланган фоизни ҳам қайтаришини билдиради.

Муддатлилик тамойили қарз маблағларининг шартномада келишилган муддатда қайтарилишини белгилаб беради. Барча кредитлар муддатлилик белгисига кўра қисқа муддатли – бир кундан 1 йилгача бўлган муддат, ўрта муддатли – 1 йилдан 5 йилгача, ҳамда узоқ муддатли – 5 йилдан ортиқ муддатга берилган кредитларга ажратилади.

Таъминланганлик тамойили кредиторнинг қарз олган томондан ссудани фоизи билан биргаликда қайтариш мажбуриятини таъминлашини талаб қилиш ҳуқуқини билдиради. Таъминот сифатида кўп ҳолларда гаров, кафолат ва кафиллик хизмат қилади.

Мақсадлилик тамойили ссуданинг конкрет мақсадларини аниқлаш билан боғлиқ. Биринчи навбатда, ушбу тамойил рискни камайтишига хизмат қилади, чунки битим шартларини ва лойиҳани қопланиш муддатини таҳлил қилиш имконини беради, шунингдек, кредит ва валюта рискларини баҳолаш, ссуданинг қайтарилиши шартлари, энг маъқул таъминот ва кредит баҳосини аниқлашга имконият яратади.

Баъзибир муаллифлар қўшимча тарзда кредитор ва қарз олувчининг контрагентларни танлашдаги дифференциал ёндашуви тамойилини алоҳида кўрсатиб ўтадилар, яъни бунда кредитор ишончли қарз олувчини қидиради, қарз олувчи эса кредиторни кредитнинг тўлови ва муддатини ҳисобга олган ҳолда танлайди. Бизнинг назаримизда, ушбу тезис халқаро кредитнинг тамойиллари қаторига кирмайди, чунки у халқаро кредит келишувлари шартларини танлашни билдиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, халқаро кредит муносабатлари молиявий инқирозларнинг манбаси ҳисобланган молиявий спекуляция билан узвий боғлиқ.⁴ Ҳозирги замонавий молиявий инқироз халқаро кредит муносабатларининг молиявий зиддиятларнинг тарқалишидаги салбий

⁴ Рудый К.В. Международные валютные, кредитные и финансовые отношения. – М.: Новое знание, 2007.

аҳамиятини яққол акс эттирмоқда.

Халқаро кредит тамойиллари унинг бозорнинг иқтисодий қонунлари билан узвий алоқасини намоён этади ва бозор ва давлат субъектларининг жорий ва стратегик мақсадларига эришиш учун қўлланилади.

Халқаро кредитнинг мазмун-моҳиятини унинг функциялари очиб беради. Бу функциялар халқаро иқтисодий муносабатлари соҳасида ссуда капитали ҳаракатини ўзига хос хусусиятларини акс эттиради.

Биринчи навбатда халқаро кредит қайта тақсимлаш функциясини бажаради. Кенгайтирилган ишлаб чиқариш эҳтиёжларини таъминлаш манфаатида халқаро кредит давлатлар ўртасида ссуда капиталини қайта тақсимловчи механизм бўлиб ҳисобланади. Ушбу механизмнинг амал қилиши ёрдамида ссуда капитали айнан даромад олиш мақсадида иқтисодий агентлар маъқул деб топган соҳаларга йўналтирилади. Шундай қилиб, халқаро кредит миллий даромадларнинг ўртача интернационал даромадларга мос келиши ва унинг массасини ошишига асос яратади.

Халқаро ҳисоб-китоблар соҳасида нақд пулларнинг кредит пулларга ўзгариши металл пулларнинг кредит пулларга алмашиши орқали ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг тезлашиши, нақд валюта айланмасини халқаро кредит операциялари кўринишига ўтиши орқали айланма зарарларини камайишига ёрдам беради. Халқаро кредит халқаро ҳисоб-китобларнинг кредит воситаларининг шаклланишига асос бўлган, булар қаторига вексель, чек, банк ўтказмалари ва депозит сертификатлари киради. Халқаро иқтисодий муносабатларда ссуда капитали айланмаси вақтининг қисқариши капиталнинг ишлаб чиқарувчилик вақтини оширади ва шу орқали ишлаб чиқариш ва даромадлар ошишини таъминлайди.

Халқаро кредитнинг махсус функцияси – капитал марказлашуви ва концентрациялашувини тезлаштириш функциясини алоҳида кўрсатиш одатга айланган. Халқаро кредитдан фойдаланиш ёрдамида қўшилган қиймат

капиталлашуви жараёни тезлашади, индивидуал жамғармалар чегаралари кенгаяди, бир мамлакат тадбиркорлари капитали бошқа давлат маблағларининг уларга қўшилиши ҳисобига кўпаяди. Халқаро кредит капиталнинг тезлашуви ва концентрациялашуви функциясини бажарган ҳолда маълум даражада бошқа давлатларнинг капитали ва шахсий эгалигига эгалик қилиш имконини беради ва шу орқали индивидуал корхоналарнинг акционер жамиятларига айланишига, бирлашиш ва қўшиб юборилиш жараёни орқали янги фирма ва йирик корпорацияларнинг яратилишига асос яратади⁵.

Замонавий шароитда халқаро кредит тартибга солиш объекти ҳисобланиб, иқтисодиётни тартибга солиш функциясини бажаради. Халқаро кредит ёрдамида товар ва хизматларнинг халқаро савдоси ва капиталлар ҳаракатини тартибга солиш амалга оширилади.⁶

Халқаро кредит ички ривожланиш манбалари етарли бўлмаган ҳолда ички экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришни кенгайтиришга имкон беради, шунингдек, мамлакат иқтисодиётни жаҳон хўжалигига интеграциясига кўмаклашади. Шунинг учун халқаро кредит иқтисодий ривожланишнинг муҳим стимулятори ҳисобланади.

⁵ Международные валютно-кредитные и финансовые отношения: Учебник /Под ред. Л.Н.Красавиной.- 3-е изд. – М.: Финансы и статистика, 2006.

⁶ Авагян Г.Л., Вешкин Ю.Г. Международные валютно-кредитные отношения. – М. Экономика, 2005.

2. Молиявий глобаллашув шароитида халқаро кредит муносабатлари.

Бугунги кунда молиявий глобаллашув жараёни таъсирида халқаро кредит муносабатларида содир бўлаётган ўзгаришларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Глобаллашув ҳозирда жаҳон иқтисодиёти ривожланиши шартларининг энг муҳим хусусияти бўлиб қолди. Халқаро Валюта Фонди мутахассисларининг фикрига кўра, глобаллашув бу “бутун жаҳон мамлакатларининг товарлар, хизматлар ва халқаро капитал оқимларининг трансчегаравий ҳаракати ҳажми ва хилма-хиллигини ортиб бориши ҳамда технологияларнинг янада кенг диффузияси натижасидаги ўсиб боровчи ўзаро иқтисодий боғлиқлиги”⁷дир. Глобаллашув жараёнига миллий иқтисодиётларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро алоқаларининг умуман бошқа сифат даражасига олиб чиқувчи иқтисодий ҳаёт интернационаллашувининг янги босқичи сифатида қараш мумкин.

Молиявий глобаллашувнинг ривожланиши ва унинг халқаро кредит муносабатларига бўлган аҳамиятини ўрганиш алоҳида қизиқиш уйғотади. Иқтисодий глобаллашув айнан молия соҳасида ёрқин намоён бўлади. Бу жараён 70-йилларнинг охирида мамлакатлар ичида молиявий секторнинг либераллашуви жараёнининг кенг тус олиши натижасида бошланган. Бу вақтда банк фаолиятини қайта тартибга солиш (шу жумладан, омонатлар ва депозитлар бўйича фоиз ставкаларига бўлган чегарани олиб ташлаш) жараёни содир бўлаётган, халқаро молиявий трансфертларга қўйилган чегаралар олиб ташланиб, норезидентлар учун фонд бозорлари очилаётган ва фиксирланган валюта курсларидан сузиб юрувчи курсларга кескин ўтилаётган эди.

Глобаллашув жараёнида молиявий оқимлар мустақил кучга айланди ва

⁷ World Economic and Financial Surveys. World Economic Outlook. W.:IMF, 1991-2001.

улар ишлаб чиқариш кучлари ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатиб келмоқда: бу оқимлар ишлаб чиқариш, товар ва хизматлар экспорти ва импорти, халқаро коммуникация ва ахборот алмашинуви ривожланишини барқарорлаштиради. Ушбу жараёнларга янги ахборот технологияларининг тадбиқ қилиниши катта имконият яратади. Биринчи навбатда интернетнинг тадбиқ қилиниши – бу ёрдамида йирик ҳажмлардаги давлатлараро молиявий транзакцияларни деярли бир зумда амалга ошириш имконияти пайдо бўлади.

Молиявий ресурсларнинг трансчегаравий ҳаракати масштабларини кенгайтириб, миллий молия тизимларининг либераллашувига имкон яратиб глобаллашув ссуда капитали бозорининг тез суръатларда ривожланиши ва дунёнинг турли давлатлари ўртасида мустаҳкам кредит-қарз муносабатларининг шаклланишига олиб келди. Бошқача айтганда, ташқи қарзнинг ортиб бориши кўп ҳолда молиявий глобаллашув белгилаб берадиган жараёнлар билан боғлиқ бўлиб қолди. Ўз навбатида, кредит-қарз муносабатлари янги кредит оқимларини пайдо бўлиши, қарзларни қайтариш бўйича молиявий ресурсларнинг кўчиши, қарз мажбуриятларининг янги молиявий бозорларининг шаклланиши орқали молиявий глобаллашувни келтириб чиқаради. Шунинг учун кредит муносабатларининг ривожланишига молиявий глобаллашувни ҳаракатлантирувчи куч сифатида қаралиши мумкин.

Молиявий глобаллашув ўзида орқага қайтмайдиган ҳодисани намоён қилиб, барча давлатларда озми-кўпми ўз таъсирини кўрсатади. Охирги йигирма йил давомида кўпроқ ривожланган давлатларда молиявий оқимларнинг кўпайиши кузатилади, лекин шу билан бирга бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган давлатларнинг молиявий интеграция даражаси ҳам ошган. Ҳатто молиявий глобаллашувга қарши чиққан давлатларда ҳам, капитал билан бўладиган халқаро операцияларга ўрнатилган кенг чегараларга қарамасдан, ташқи активлар ва мажбуриятларнинг ошиши кузатилган.

Умуман олганда, молиявий глобаллашув шароитида давлатлар ўртасидаги турли кўринишдаги капитал ҳаракати иккита асосий хулосага олиб келмоқда. Биринчидан, олинган натижалар шуни кўрсатмоқдаки, давлатлар тўхтовсиз келаётган капитал оқимларидан кутиладиган риск ва фойдани аниқ ўлчаб олишлари зарур. Ривожланган давлатлар эркин ҳаракатланаётган капиталдан фақат фойда кўраётгани билан бир вақтда, бозор муносабатлари шаклланаётган ва ривожланаётган давлатларда капитал билан бўладиган операциялар ҳисобрақамларини очишдан аввал белгиланган минимал талабларга (жумладан, институционал муҳит ва иқтисодий сиёсат механизми сифати ҳамда ички молиявий ривожланиш даражаси) жавоб беришларини аниқлаб олишлари зарур. Агар улар бундай минимал талабларни қониқтирмаса, молиявий либераллашув ҳаддан ташқари макроиқтисодий ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Иккинчидан, капитал оқимларга нисбатан ортиқча эҳтиёткорлик ҳам зарар билан боғлиқ. Иқтисодиётни ташқи инвестициялар учун очилиши ўз-ўзидан иқтисодий ўсиш ва эффективлик даражасининг ошишига олиб келувчи ўзгаришларга замин яратади, масалан, ички молия соҳасини барқарорлаштириш орқали.

Шундай қилиб, барча давлатлар молиявий глобаллашувни қабул қилишни ўз олдиларига мақсад қилиб олишлари керак ва бу жараённинг ривожланишини халқаро кредитларсиз тасаввур қилиш қийиндир.

3. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда халқаро кредитнинг иккиёқлама роли ва халқаро кредит муносабатлари механизми.

Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда халқаро кредитнинг роли алоҳида аҳамиятга эга. Халқаро кредит ўз функцияларини бажаришда иккиёқлама роль, яъни ижобий ва салбий роль ўйнайди.

Халқаро кредитнинг иқтисодиётдаги ижобий ўрни — уни такрор ишлаб чиқариш ривожланишини таъминлашда ва кенгайтиришда намоён бўлади. Халқаро кредит ташқи иқтисодий алоқалар ривожланишига туртки бўлиб хизмат қилади. Халқаро кредит ишлаб чиқариш байналмилаллашувига ва айирбошлашувига, жаҳон бозорининг ташкил топишига ва ривожланишига, халқаро меҳнат тақсимотини чуқурлашувига олиб келади.

Халқаро кредит такрор ишлаб чиқариш жараёнини қуйидаги йўналишлар орқали тезлаштиради:

Биринчидан, кредит мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларини рағбатлантиради, шу орқали бозорда конъюнктурани кўтарувчи талабни юзага келтиради. Ташқи савдо кредитда халқаро меъёр бўлиб ҳисобланмоқда. Айниқса, узоқ давр мобайнида тайёрланадиган, истеъмол қилинадиган ва баҳоси баланд товарлар учун. Маҳсулотларнинг баҳосини ва жаҳон савдосида машина ҳамда асбоб-ускуналар улуши ошиши экспорт қилувчиларни ҳам, импорт қилувчиларни ҳам, ташқи савдо кредитларига бўлган қизиқишларини орттирмоқда.

Ҳозирги замон шароитида кредитор-мамлакатдан экспорт етказиб берувчи «боғлиқлик» кредитининг салмоғи ошди. Кредитланаётган давлатнинг товарларини сотиб олиш учун қилинадиган ҳаражат қарзнинг шарти бўлиб ҳисобланмоқда. Худди шу орқали халқаро кредит кредитор-мамлакат фирмаларининг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Иккинчидан, халқаро кредит чет эл хусусий инвестициялари учун қулай муҳит юзага келтиради. Чунки, одатда, кредитор-мамлакат инвесторларига имтиёзлар бериш мажбуриятлари қўйилади. Инфраструктурани ташкил этиш, шу жумладан, чет эл ва қўшма корхоналарни фаолият кўрсатиши, халқаро капиталга алоқаси бор миллий корхона ва банкларнинг позицияси кучайишига ёрдам беради.

Учинчидан, кредит — мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларига хизмат қилувчи халқаро ҳисоб-китоб ва валюта операциялари тўхтовсизлигини таъминлайди.

Тўртинчидан, кредит — мамлакат ташқи савдо операцияларини иқтисодий самарадорлигини оширади ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг бошқа турлари ривожланишига туртки бўлади.

Халқаро кредитнинг иқтисодиётдаги салбий ўрни — бозор иқтисодиётини ривожлантиришда унинг қарама-қаршилиги кучайишида намоён бўлади. Иқтисодиётда номутаносиблик чуқурлашади, кредит-товарлар қайта ишланиши тезлашади, мамлакатлар ўртасида ссуда капиталларини қайта тақсимлайди ҳамда иқтисодий кўтарилиш ва даврий пасайиш даврларида ишлаб чиқаришни жуда тезлаштиради. Халқаро кредит ижтимоий ишлаб чиқаришдаги номутаносибликни кучайтиради, бунинг оқибатида даромадли тармоқлар ривожланиши осонлашади, шу билан биргаликда чет эл капитали жалб қилинмаган тармоқларнинг ривожланиши секинлашади.

Халқаро кредит — мамлакатларнинг харид бозори рақобати учун кураш қуроли ҳамда капитални жойлаш соҳаси, хом ашёлар манбалари, ИТТ соҳасидаги ютуқлардир.


Етакчи мамлакатлар ўз урнини янада мустаҳкамлаш учун банклар, ҳукуматлар, халқаро ва ҳудудий валюта-кредит ва молия ташкилотлари орқали вақти-вақти билан уларга мос келмаган сиёсат юритаётган давлатларга нисбатан кредит дискриминациясини ва кредит қамалини қўллашади. Кредит

дискриминацияси – бу кредит олишда, ундан фойдаланишда ёки халқаро кредитни тўлашда маълум бир қарз олувчиларга иқтисодий ва сиёсий босимни юзага келтирувчи, оғир ва қийин шартларни қўйишдир. Кредит дискриминациясининг асосий усуллари бу кредит бўйича чеклашлар, фоиз ставкасини ва коммиссион йиғимларни ошириш, кутилмаганда кредитдан фойдаланишни тўхтатиш ёки кредит суммасини камайтириш ҳамда иқтисодий ва сиёсий тусдаги чора-тадбирлар кўриш шартлари ҳисобланади.

Халқаро кредитнинг моҳияти ва таркибини таҳлил қилиш жараёнида халқаро кредит муносабатлари механизми моделини қуриш имкони пайдо бўлади. Ушбу моделнинг кўриниши қуйидагича бўлади:

1-чизма

Халқаро кредит муносабатлари механизми модели⁸



Халқаро кредит муносабатлари механизми блокларини қисқача тавсифлаб ўтамиз. Бу ерда биринчи, яъни **Smko** блоки бу - халқаро кредит муносабатлари субъектларини ифодалайди. Булар кредит битими иштирокчилари, яъни кредиторлар ва қарздорлар. Юқорида халқаро кредит субъектлари айнан ким бўлиши мумкинлиги таъкидланганди. **Ps** блоки халқаро кредит муносабатлари

⁸ Кудряшова И.В. Механизм международных кредитных отношений: Методические указания для самостоятельной работы студентов экономических специальностей – Волгоград: Издательство Волгоградского государственного университета, 2001.

субъектларининг мақсадларини ифодалайди. Ушбу муносабатларда икки кўринишдаги мақсадлар, яъни кредиторлар мақсадлари ва кредит олувчилар мақсадлари фарқланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, иккала томон ўзининг фойдасига кредит битимини хал қилишга ҳаракат қилади. **Wp** блоки субъектлар томонидан қўйилга мақсадларга эришиш усулларини акс эттиради, яъни давлатлараро назорат қилиш борасида халқаро кредит муносабатларини ташкил қилиш ва амал қилишини таъминлашни англатади. Кейинги **Mr** блоки муддатлилик, тўловлилик ва қайтаришлилик шартлари асосида маблағлар манбалари ва ҳажмларини намоён қилади. Халқаро кредитнинг манбалари тўғрисида юқорироқда тўхталиб ўтгандик. **Fm** блоки ссуда капитали экспорти амалга ошириладиган кредит турллари ва шакллари бирлаштиради, ва таркибига кўра улар халқаро кредит муносабатларининг объекtlари бўлиб ҳисобланади. Кейинги блок – **R** – халқаро кредитдан келиб чиқадиган натижани, яъни механизмнинг бевосита таъсирини кўрсатади. **Оммк** блоки халқаро кредит механизмининг объектини акс эттиради. Энг охирги босқичда – **Ер**да субъект халқаро кредит муносабатлари таъсирининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолайди. Демак, халқаро кредит муносабатлари механизмининг амал қилиши қуйидагича кечади: халқаро кредит муносабатлари субъектлари таъсир кўрсатиш объектини аниқ баҳолаганидан сўнг мақсадни шакллантиради, кредит битимини ташкил қилиш усулларини аниқлайди, маблағлар ва уларни ишлатиш шакллари танлайди, ундан сўнг уларни аниқ объектда реализация қилади.

Хулоса.

Халқаро кредит иқтисодиётда муҳим аҳамият касб этувчи категориялардан бири ҳисобланади. Унинг аҳамияти у бажарадиган вазифа ва функцияларида, унинг тамойилларида ва шаклларида ўз аксини топади. Бозор иқтисодиёти шароитида халқаро кредитдан фойдаланишда унинг иккиёқлама ижобий роли намоён бўлади, яъни бир томондан мамлакатларнинг ўзаро фойдали алоқалари ривожлантирилади ва бошқа томондан – рақобат кураши воситаси вужудга келади. Натижада иқтисодиётда ижобий ўзгаришлар юз беради. Айнан ривожланаётган давлатлар орасида бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларнинг мавжудлиги халқаро кредитлаш ва молиялаштиришнинг аҳамиятини ўзида яққол акс эттиради.

Халқаро кредит муносабатлари халқаро иқтисодий муносабатлар тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Замонавий шароитларда кўп ҳолларда халқаро кредитлаш ва молиялаштиришнинг ривожланиши натижасида халқаро савдо каби ташқи иқтисодий ҳамкорликнинг шакллари фаоллашади ва янгилари пайдо бўлади. Жаҳон хўжалигининг валюта-молия ва валюта-кредит тизимларига кўшилиши ривожланаётган давлатлар иқтисодиётининг муваффақиятли ривожланишининг зарурий шартларидан бирига айланиб қолмоқда. Халқаро кредитлаш ва молиялаштириш ишлаб чиқаришнинг капиталистик усули даврининг дастлабки босқичида шаклланган бўлиб, капитални бирламчи жамғаришнинг усулларида бири бўлиб қолди.

Жаҳон иқтисодиётида давлатлар ривожланиш даражаларининг турличалиги капиталнинг бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кўчиши зарурлигини келтириб чиқарди. Бу ҳолат асосан ривожланган давлатлардан ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётидаги давлатлар томон йўналтирилганлиги билан характерланади. Шундан ривожланаётган давлатларни халқаро кредитлаш ва молиялаштириш муносабатлари келиб чиқади. Албатта, ривожланаётган давлатлар учун ташқи манбалардан келадиган кўмак –

кредитлаш ёки молиялаштириш шаклидаги – давлат иқтисодиётида кескин ўзгаришларни амалга оширишга имкон яратади. Кескин ўзгаришлар деганда, албатта, мамлакатнинг биринчи навбатда иқтисодий жиҳатдан ривожланиши ва ундан сўнг умуман барча соҳаларнинг ривожланиши, натижада ривожланган давлат даражасига етиши назарда тутилади.

Халқаро кредитлаш ва молиялаштириш турли манбалардан амалга оширилиши сабабли ҳар бир ривожланаётган давлат учун турли соҳа ва тармоқларни ривожлантиришга имкон беради. Турли манбалар бўлиб давлат ташкилотлари, халқаро ва ҳудудий валюта-кредит ва молия ташкилотлари, банклар ва турли фирмалар хизмат қилади.

Умуман олганда, халқаро кредит қуйидагиларга имкон туғдиради:

1. Ишлаб чиқариш ва айирбошлашнинг байналминаллашувига;
2. Жаҳон бозори ва халқаро савдони ташкил қилишга;
3. Ривожланган мамлакатлар товарларнинг рақобатбардошлик даражасини оширишга;
4. Урушларни молиялаштириш шакллариининг турли хилларини ташкил қилишга;
5. Иқтисодий қолоқ бўлган мамлакатларнинг иқтисодиётини кучайтиришга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Абдуллаева Ш.З. Халқаро валюта-кредит муносабатлари. Т.: Молия-иқтисод, 2005 й.
2. Вахобов А., Жумаев Н., Бурхонов У. Халқаро молия муносабатлари. Т.: Молия, 2003.
3. Кудряшова И.В. Механизм международных кредитных отношений: Методические указания для самостоятельной работы студентов экономических специальностей – Волгоград: Издательство Волгоградского государственного университета, 2001.
4. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения: Учебник /Под ред. Л.Н.Красавиной.- 3-е изд. – М.: Финансы и статистика, 2006.
5. Авагян Г.Л., Вешкин Ю.Г. Международные валютно-кредитные отношения. – М. Экономистъ, 2005.
6. Рудый К.В. Международные валютные, кредитные и финансовые отношения. – М.: Новое знание, 2007.
7. Вавилов Ю.Я. Государственный долг. – М.: Перспектива, 2000.
8. Финансово-энциклопедический словарь. Колл. авторов. Под общ. ред. А.Г.Грязновой (автор статьи – Л.Н.Красавина).- М.: Финансы и статистика,2004.
9. External debt. Definition, Statistical Coverage and Methodology.:OCDE, 1988.
10. World Economic and Financial Surveys. World Economic Outlook. W.:IMF, 1991-2001.